



**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**
mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022 yil, 22-iyun



**Articles of international scientific-theoretical
conference on
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”
June 22, 2022**

TOSHKENT - 2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**"SHARQ-U G'ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR"**
*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022- yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVOI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL
LITERARY STUDIES

Articles of international scientific-theoretical conference on
**"EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE"**
June 22, 2022

TOSHKENT – 2022

**UDK 821.512.133.08-03
KBK 84(5O')**

“Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: “Firdavs-Shoh nashriyoti”, 2022-y. 696 b.

ISBN 978-9943-7238-4-9

Mas’ul muharrir:
Shuhrat Sirojiddinov,
filologiya fanlari doktori, professor

Tahrir hay’ati

Shuhrat Sirojiddinov (O‘zbekiston), Fatma Achik (Turkiya), Uzoq Jo‘raqulov (O‘zbekiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O‘zbekiston), Munavver Tikcan (Turkiya), Nurboy Jabborov (O‘zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Nafas Shodmonov (O‘zbekiston), Jannat Aymuxambet (Qozog‘iston), Dilmurod Quronov (O‘zbekiston), Iroda Siddiqova (O‘zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O‘zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O‘zbekiston).

Mazkur “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi tadqiqotlar to‘plamida jahon xalqlari Renessans adabiyotiga oid komparativistik muammolar haqida so‘z yuritilgan. To‘plamning “Sharq-u G‘arb adabiyoti genezisi va umumnazariy muammolari”, “Navoiy va Shekspir: poetik o‘ziga xoslik, ijodiy universallik”, “G‘arb adabiyotida Sharq mavzusi talqinlari”, “Sharq va G‘arb adabiyoti qiyosiy adabiyotshunoslik kontekstida” singari bo‘limlaridan jahon adabiyotshunosligi, adabiy tanqidi tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik masalalaridan bahs yurituvchi maqolalar o‘rin olgan. Eng muhim, chop etilgan tadqiqotlarning barchasida jahon Renessanslari tarixi va Uchinchi Renessansni bunyod etish muammolari xususida fikr yuritiladi.

Ilmiy to‘plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug‘ullanayotgan mutaxassislar, shuningdek, barcha adabiyot ixlosmandlari uchun mo‘ljallangan.

Ushbu to‘plamda “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjumanga yuborilgan maqolalar jamlangan.

To‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2022-yil 15-iyundagi navbatdan tashqari yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Комилжон ҲАМРОЕВ
PhD, доцент
(ТошДЎТАУ, Ўзбекистон)

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ВА “ҲАМЛЕТ”ДА “БИЛИБ ҚОЛИШ” МОТИВИ

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони ва Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедияси таҳлилга тортилган. Унда «билиб қолиш» мотиви орқали Искандар ва Ҳамлет образларининг поэтик тасвири қиёсий-типологик аспектда ўрганилган. Анъанавий сюжет, образ, детал ва мотив каби поэтик компонентларнинг даҳо ижодкорлар асарларидағи типологик ва ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Abstract: This article analyzes Alisher Navoi's epic “Saddi Iskandariy” and William Shakespeare's “Hamlet” tragedy. In it, the poetic depiction of Alexander and Hamalet through the motive of learning is studied in a comparative-typological aspect. Typological and specific aspects of poetic components such as traditional plot, image, detail and motif in the works of genius creators have been studied.

Калит сўзлар: «билиб қолиш» мотиви, трагедия жанри, трагизм, қаҳрамон типологияси, бадиий сюжет, сентитизм, бадиий детал, маърифат йўли.

Keywords: the motive of learning, the genre of tragedy, tragedy, the typology of the character, the artistic plot, the sentitism, the artistic detail, the path of enlightenment.

Жаҳон адабиёти намуналарини қиёсий-типологик аспектда ўрганиш поэтик ижод қонуниятларини чуқурроқ англашга асос бўлади. Негаки, даҳолар ижодида умуминсонийлик, миллийлик ва индивидуаллик мезонларига хос типик хусусиятлар поэтик бутунликда акс эттирилади. Бундай адабий-эстетик ҳодисаларни қиёсий-типологик, тарихийлик, анъанавийлик принципларига таяниб таҳлил ва талқин майдонига тортиш поэтик ижод қонуниятларини белгилашда қўл келади. Сюжет, образ, детал, мотиф каби шоҳ асарларнинг компонентлари аро типологик уйғунлик даҳолар тафаккури ҳамда жанрлар хотирасида умумийлик касб этади. Дунё адабиёти тарихида бундай ўжар ижод қонуниятлари аро илохий йўриқ ибрати поэтик покланиш вазифасини ўтаб келган ва ўтажак. Жаҳон адабиёти асарларига доир айни жиҳатларни кенгрок ёритиш мақсадида Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” асарларидағи айрим муштарак жиҳатларини таҳлилга тортишга жазм

этдик. Аммо, ушбу асарларни таққослаб ўрганиш учун асос борми, жанрлар орасидаги тафовут бор асосни ҳам йўқقا чиқармайдими, деган савол билан бирга мутафаккирларнинг ижод йўлида маданий алоқа, адабий таъсир, соҳаларга доир биронта фактнинг мавжуд эмаслиги кишида истиҳола ҳиссини оширгандан оширади. Бундай таги бўш психологик тўсиқларни ошиб ўтишга рағбат уйғотувчи умумий жиҳатларнинг борлиги, қолаверса, Шекспирнинг Шарқ адабиёрига бўлган муҳаббати, ҳазрат Навоий поэтик ижод қонуниятларини ўз асарларида мужассам этгани мазкур мавзуни тадқиқ этишга илҳом баҳш этади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек адабиётшунослигида Сувон Мели, Узоқ Жўракулов, Холида Маматқурова каби адабиётшунослар даҳо ижодкорларнинг турли асарларини Шарқ ва Farb адабиёти контекстида тарихий, маданий, типологик усул асосида тадқиқ этишгани методологик манба сифатида хизмат қиласди. Даҳо ижодкорларга хос мезонлар хусусида адабиётшунос У.Жўракулов куйидагича ёзади: “Бу мезонлар, бизнингча, учта бўлиб, уларнинг аввалгиси, олий ҳақиқатга содиқлик, деб номланади. Даҳо ижодкор айтган ҳар бир сўзида шу ҳақиқатга таянади, айтганига ўзи-да амал қиласди. У инсон зотини шу асосда шарафлайди, таърифу тавсиф этади, шу асосда тафтиш, танқид қиласди. Иккинчи мезон, ижодкорнинг бир кўзлилиги аталиб, у ҳаммага бирдек, холис бўлиш деганидир. Бир кўзли ижодкор учун ирқ, миллат, фирмә сингари тушунчалар мавжуд эмас. У бутун инсониятга самовий маърифат кўзи билан қарай олади. Учинчи мезон, даҳо шахсияти ва унинг ижод йўли билан боғлиқ. Бу тизимлилик деб юритилади. Даҳо ижод йўлига бир бутун қараган изланувчи унда аниқ тизимни кўради. Зотан, даҳонинг ҳаёт йўли аниқ бир доира бўйлаб кечади. Унга узвийлик, изчилилк хос бўлади. Ижоднинг дебочасидан тортилган нур толаси хотимага қадар узилмайди”¹. Кўринадики, даҳо шахсиятидаги бундай фазилатлар наинки Алишер Навоий, балки Уильям Шекспир ижод йўлида ҳам бўй кўрсатади. Масалан, ҳалқ эпосларидаги алпларга хос маърифатли одам трагизми тасвири “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Макбет” сингари асарларнинг Сувон Мели таъбири билан айтганда “жон жойи” ҳисобланади. Ундан ташқари, Алишер Навоий ва Уильям Шекспир даҳосининг поэтик ижодидаги кесишиш нуқтаси асл адабиётнинг залворли, улуғвор бадиий нотасидан бири трагик вазиятларда кўзга

¹ Жўракулов.У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: - Faafur Fулом, 2015. – Б.243.

ташланади. “Трагизм фожиали воқеа, вазият ёки ҳолатни ҳиссиётнинг авж нуқтасида туриб тасвирлаш ва шу ҳиссиётни китобхон ёки томошибинг айни шу куч билан юқтиришидир. Шунда трагизм пафос даражасига қўтарилади ва трагик пафос вужудга келади. Трагизм йиғлоқилик ёки қора тушқунлик эмас. Зеро, трагизм ва пессимизм нафақат бир-бирига яқин, ҳатто ўзаро зид тушунчалардир. Ҳаёт кулфатларига мардонавор чидаш, улардан устун чиқишга уриниш трагизмни ҳосил қиласида, уларга бўйсуниб, умидни йўқотиш, қора хаёллар исканжасида қолиш эса пессимизмдир. Пессимизм асл трагизмга ёт”¹. Комизм, драматизм, трагизм кабилар адабий турлар аро поэтик ҳодиса сифатида асл адабиётнинг етакчи типологик компонентларидан ҳисобланади. Айниқса, Искандар ва Ҳамлет сингари трагик қаҳрамонлар ҳар қандай жанр намунасини умрбоқий асарларга дахлдор қиласида. “Садди Искандарий” ва “Ҳамлет” асарлари структурасида қаҳрамон образидаги маърифат концепцияси трагик тасвир фонида ифода этилади, тўгрироғи, трагизм маърифатли одам йўлининг ўзи эканлигини таъкидлаш керак. Ушбу асарлардаги қаҳрамонларга хос муштарак жиҳатлар уларнинг «билиб қолиш» мотиви билан боғлиқ ҳолларда ҳам кўзга ташланади. Юнон мутафаккири Арастунинг “Поэтика” асарида билишнинг олти тури фарқланади. Арасту ёзади: “Биринчи ва энг оддийси – шоир етарли бадиий воситаларга муҳтожлигидан (ташқи) белгилардан фойдаланади. Гоҳо, бундай белгилар табиий, тугма бўлмайди, баъзилари одамнинг ўзида (масалан, чандиқлар), баъзилари одам билан бирга (масалан, марварид шодаси, ёки, “Тиро”даги каби тоғорача) бўлиши мумкин”.² Худди шундай шаклда мутафаккир қолган бешта турни ҳам мисоллар орқали тушунтиради. Олим қарашича, «билиб қолиш»нинг иккинчи тури ижодкор томонидан тўқиб чиқарилган бўлиб, табиийлиқдан ҳоли, тубандаги «билиб қолиш» хили сифатида келтирилади. Учинчиси хотира орқали билиш бўлиб бунда қаҳрамон хотирага таяниб англаши расм, мусика деталлари орқали кўрсатилган. Тўртинчиси хулоса чиқариш билан «билиб қолиш» – қаҳрамон ўзининг ҳаётий тажрибасига таяниб мушоҳада қилиши, фикрлаб хулоса чиқариши ортидан «билиб қолиш»и назарда тутилади. Бешинчиси, мураккаб «билиб қолиш» бўлиб бунда ёлғон ишлатиш орқали ҳақиқатни билиш кўзда тутилади.

¹ Мели С. Сўз-у сўз. – Т.: Шарқ, 2016. – Б.53.

² Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, Мели С. 1980. – Б.33.

Охиргиси, бадий асар воқеаларининг ўзидан келиб чиқувчи, табиийлиги билан ўқувчига ҳайрат уйғотувчи «билиб қолиш» тури сифатида келтиради. “Аммо, энг яхши «билиб қолиш» воқеаларнинг ўзидан келиб чиқувчи ва табиийлиги билан ҳайратга соловчи (олтинчи хил) Софоклнинг “Шоҳ Эдип”и ва “Ифигения”даги ҳолатdir. Воқеа шу қадар ишонарлики, Ифигения мактубни (уйига) бериб юбормоқчи бўлади. Фақат ана шундай «билиб қолиш»лар турли тўқиб чатилган белгиларга ва маржонларга муҳтоҷ бўлмайди, иккинчи ўринда эса хulosा ёрдамида «билиб қолиш» туради”.¹ Кўринадики, билишнинг энг яхши турлари сифатида хulosा чиқариш ва бадий воқеликдан англашиладиган «билиб қолиш» айтилади. Искандар ва Ҳамлет образлари мисолида ҳам «билиб қолиш»нинг бир қанча турлари бадий акс эттирилган. Хатто, юқоридаги таснифда «билиб қолиш»нинг ҳамма шакли қамраб олинмаган бўлса-да, илк марта мутафаккир томонидан турларга ажратилган кейинчалик адабиётшунослар томонидан трагедия жанрига доир асарлар мисолида тўсатдан билиш тарзида тадқиқ этилган. Ушбу бадий мотив нафақат драматик асарларда, балки эпик тафаккур тизимидағи жанр наъмуналарида ҳам келиши билан типологик маъно касб этади. Биргина мазкур мотивнинг Шарқона илоҳий башорат орқали «билиб қолиш» икки асар сюжет чизигида ҳам учраши муштарак жиҳатлар борлигига асос бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, «билиб қолиш» мотиви маърифат йўлининг муайян босқичи сифатида асар қаҳрамонининг маънан покланишига замин яратади. Ҳар бир «билиб қолиш»дан сўнг қаҳрамон юксалишга юз тутади, қалбан покланади. “Садди Искандарий” достонида дараҳт шоҳидан тобут, иккинчисидан тахт ясалиши, шоҳ васиятининг ўқиб эшиттирилиши ва Искандарнинг тахтга ўтириши, голиб кабутарнинг кутилмаганда бургутнинг чангалига тушиши, дунё бойлигини тўплашдан наф йўқлиги, қуруқ қўл билан келган инсон қуруқ қўл билан кетиши; “Ҳамлет” трагедиясида жирканч хиёнатнинг ўзга олам вакили томонидан аён қилиниши, Ҳамлет тасодифан амакиси томонидан хатга битилган ҳийладан огоҳ бўлиши, дунё шон-шухратию бойлигидан киши қанчалик ҳаволанмасин бир кун келиб тупроққа қўшилиб кетиши каби «билиб қолиш»нинг турли шакллари қаҳрамонларга хос маърифат йўлининг муҳим поэтик нуқталари сифатида бадий талқин қилинади. Яна мутафаккирларнинг ижодига хос муштарак хусусият уларнинг шоҳ

¹ Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.34.

асарлари жаҳон адабий-тариҳий тафаккур жараёнининг иккинчи босқичи классик сентитизм даврига тегишили, десак янглишмаймиз. Бу ҳақида адабиётшунос У.Жўракулов ёзишича, “Адабий-тариҳий жараён номланган универсал хронотоп ҳаракати бугунга қадар уч улкан босқични ташкил этади. Буларнинг биринчисини интуитив тақлид (синкетизм) босқичи, иккинчисини классик (синтетизм) босқичи, учинчисини инкор (парадоксал дифференциация) босқичи сифатида истилоҳлаштириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи (синтетизм) босқичда дифференциация ва синтез жараёни параллел кечди. Жанр, композиция, сюжет, образ, мотив, услуб сингари поэтик бирликларнинг канонлашув механизми ишга тушди. “Хамса” мана шу улкан хронотоп кўламига эга, самарадор босқич маҳсули бўлиб, соғ бадиий синтез ҳодисаси ҳисобланади”.¹ Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври даҳоларининг асарларига айни нуқтаи назаридан қаралганида умумбашарий классик сюжет, образ, детал ва мотив каби поэтик компонентларни синтезлашган характерда типологик хусусият касб этишига гувоҳ бўламиз. Искандар ва Ҳамлет образларининг поэтик тасвирида ҳалқ эртаклари, қиссалари ва эпосларининг қаҳрамонларига хос бадиий миссияларининг синтезлашгани кузатилади. Биргина алплик тизими доирасида қаралса, ушбу асарларда бир қанча типологик нуқталар кўзга ташланади:

- қаҳрамон туғилишидан олдин жамият ёки оиласда турғун вазият (жоҳилият) ҳукмронлиги;
- қаҳрамоннинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан бошқа тэнгдошларига ўхшамаслиги;
- қаҳрамоннинг жамиятдаги турғун вазиятни бузиши ва у ҳақида ўта ижобий ёки ўта салбий муносабатларнинг юзага келиши;
- қаҳрамоннинг келажаги хусусидаги илк ишоратлар ҳамда воситалар;
- қаҳрамоннинг ўз миссиясини англаши;
- қаҳрамоннинг ўз миссиясини бажариш учун йўлга чиқиши: йўлдаги синовлар, саргузаштлар;
- қаҳрамоннинг тутқунлиги;
- қаҳрамоннинг ўлими ёки унинг “асл ватан”га етишуви.

Тўғри, буларнинг айримларини Ҳамлет тимсолида тасаввур қилиш ёки тезда илғаб олиш қийин бўлиши мумкин, бироқ бу трагедия жанрининг каноник хусусияти билан боғлиқ, десак тўғри бўлади.

¹ Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтакаси. – Т.: - Турон-икбол, 2017. – Б. 68.

Трагедияда макон, замон ва ҳаракатни чекланганлиги, тасвирда сиқиқлик кабилар қаҳрамон образини минимум хронотоп доирасида кўрсатишга асос бўлса-да, “Садди Искандарий” достонида максимум хронотоп кенгликларида бадиий акс эттирилади. “Искандар ҳам илк қадамларидан бошлаб мавжуд тартибларни ўзгартиради. Қолипларни бузади. Ўзининг табиати, иқтидори ва илм-маърифати билан улкан миссия учун яратилганини исбот этади. Умр бўйи Ёр (Яратган) амрини бажариш учун курашади. Шу йўлдан оғишмай оламдан ўтади”.¹ Шунга қарамай, Искандар ва Ҳамлет образларининг хатти-харакатида, маърифий дунёсида зулмга қарши курашиб ҳақиқатни юзага чиқариш, жамиятдаadolat ўрнатиш, туғилиш-ўлим, ҳаёт-охират, рост-ёлғон, эзгулик-ёвузлик кабиларни бадиий идрок этишда муштарак жиҳатлар кўзга ташланади. Асарлардаги бундай типологик нуқталарни мухтасар жумлаларда ифода этсак, қуидагилар аён бўлади:

1. Асарлар ибтидосида Искандар ва Ҳамлет шаҳзода сифатида камол топиши ҳамда қирол ўлими туфайли чукур қайғуга ботиши:

Аёғчи, бер ул жавҳари ғамзудо,
Дема ғамзудо, жоми мотамзудо

Ки, андин сумурсам ғамим қолмасун,
Ато соғидин мотамим қолмасун.²

О, кошкийди, шу зил гавда, шу бир халта гўшт
Ириб-чириб кетса, шабнам бўлиб таралса.
О, кошкийди, ўз жонингга ўзинг қасд қилиб,
Халос бўлсанг, гуноҳ эмас, савоб саналса.³

Асарларда шаҳзодалардаги бундай трагик мусибат уларни бир пофона улғайтиради, маънан юксалишга асос бўлади. Улар фоний дунё, жамиятдаги мавжуд вазият ҳақида мушоҳадага бериладилар:

Ҳамоно икки шох берди дараҳт,
Бирин йўндилаҳ тахтау бирин тахт.

Не қушқаки бир шохи мансакандурур,
Яна шохи сўнгра нишимандурур.¹

¹ Жўракулов У. Алишер Навоий “Ҳамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: - Турон-икбон, 2017. – Б.54.

² Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To’la asarlar to’plami. 8-jild. – Т.: - G’afur G’ulom, 2013. – В.87.

³ Shekspir V. Hamlet (Jamol Kamol tarjiması). Saylanma. 3-jild. – Т.: - Fan. 2007. – В.222.

Ё Худойим! Ё Роббано! Ё Парвардигор!
Қандай аянч, қандай жирканч ва тўмтоқ бўлиб
Кўринади бутун олам, бутун кору бор.
Қараб-қараб кўнглинг айнаб кетади! Худди
Ғовлаб кетган, ташландиқ бир боққа ўхшайди.²

Асарлардаги муштарак жиҳатлар билан бирга айни лавҳаларда фарқли хусусиятлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, “Ҳамлет”дан фарқли ўлароқ “Садди Искандарий” достонида Файлакус томонидан Искандарнинг харобадан топиб асраб олиниши, у ёшлигидаёқ қўплаб билимларни эгаллаши, унинг болалигини батафсил баён қилиниши каби қатор тафовутлар мавжуд. Аммо, бундай ўзига хосликлар қаҳрамонларга тегишли типологик нуқталарга соя солмайди, аксинча, қўллаб-кувватлайди.

2. Оғир жудолик туфайли қайғуга ботган шахзодалар оталарининг васиятлари орқали ўзларини ўнглайдилар, елкаларидағи миссияни бажаришга киришадилар.

Чу муставли ўлди бу ният анга,
Ато қилмиш эрди васият анга,

Ки: “Мулкумда бегонани қўймағил,
Шабистонима ёнани қўймағил!

Ҳаримим аро кирмасун ҳеч ёт
Ки, бўлғай анга пардадарликда от!³

Арвоҳ: Шум қотилликнинг қасосини ол.
Ҳамлет: Қотилликнинг?
Арвоҳ: Ҳа, қотиллик ўзи – қабоҳат,
Аммо, машъум қабоҳатнинг қабоҳати бу!
Ҳамлет: Сўзла, токи мен шу замон чиқазиб қанот,
Тасаввур ва тафаккурнинг тезлиги билан
Қасос сари учай.⁴

¹ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To’la asarlar to’plami. 8-jild. – Т.: - G’afur G’ulom. 2013. – B.86.

² Shekspir V. Hamlet (Jamol Kamol tarjiması). Saylanma. 3-jild. – Т.: - Fan. 2007. – B.222.

³ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To’la asarlar to’plami. 8-jild. – Т.: - G’afur G’ulom. 2013. – B.86.

⁴ Shekspir V. Hamlet (Jamol Kamol tarjiması). Saylanma. 3-jild. – Т.: - Fan. 2007. – B.240.

Шундан сўнг икки асарда ҳам қаҳрамонлар янгидан туғиладилар. Бундай туғилиш жисман эмас, руҳан, маънан қайта туғилиш сифатида улкан маърифат йўлининг дебочаси ўлароқ типологик маъно касб этади. Васият “Садди Искандарий”да ўқиб эшииттирилса, “Ҳамлет”да ўзга олам вакили, яъни отасининг арвоҳи орқали маълум қилинади. Қаҳрамонлар руҳиятидаги иккиланишлар Олий мақсадга эврилади. Ҳақиқатдан хабар топган Ҳамлет мамлакатда адолат ўрнатиб қиролнинг хунини олиш ва издан чиқсан даврни қайта изига солишини мақсад қиласи. Бунда Ҳамлет юкорида келтирганимиздек «билиб қолиши» мотиви орқали ҳақиқатдан огоҳ бўлади. Бу Арасту назарда тутган олтига «билиб қолиши» туридан фарқ қилиб Шарқ ислом адабиёти, хусусан, “Садди Искандарий” достонига хос илоҳий башорат орқали англашга тўғри келади. Бу эса Ҳамлетни Искандар образига менгзашга асос бўлади. Айни жиҳат Ҳамлетнинг шахсий хун олиш миссиясини минимумдан максимумга ўзгаришига замин яратади. Яъни, оилавий муаммо негизида умумбашарий мавзу талқин қилинади.

3. Асарларда Искандар ва Ҳамлетнинг лидерлик фаолиятида ҳам муштарак нуқталар мавжуд бўлиб, ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ўз миссиясини англаган Искандар ва Ҳамлет жамиятдаги мавжуд турғунликка қарши исён қиласи. Шунингдек, турли амалдаги одатларни ўзгартирилиши, халқ манфаатини кўзлаб ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларда ислоҳотлар қилиниши, халқ ичидаги ўзининг донолиги, ҳақиқатгўйлиги, нотиқлиги ва оқиллиги билан одамларнинг меҳрини қозониши кабилар қаҳрамонлар образида у ёки бу даражада учрайди. Масалан, Искандар сиймосида халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, бева-бечораларга ёрдам бериш, жамиятда адолат қўлини баланд кўтариш қаҳрамон образига хос бўлиб, у ўзининг донишмандлиги билан юртда шуҳрат қозонади.

Адолат тарикини фош айлади,
Сиёsat анга дурбош айлади.¹

“Ҳамлет”да бундай жараёнлар бироз бошқачароқ кечади. Ҳамлет отаси ўлимидан сўнг бутунбошли даврга қарши қўйилади. Унинг онаси, амакиси, дўстлари ва сарой ахли образлари тимсолида Дания кўрсатилади. Дания орқали эса, бутун дунёдаги бузулишлар назарда

¹ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To‘la asarlar to‘plami. 8-jild. – T.: - G‘afur G‘ulom. 2013. – B.104.

тутилади. Бир қараашда, бундай ёвуз куч олдида Ҳамлет чорасиз вазиятда қолғандек туюлади. Унинг лидерлиги ҳам йўққа чиқарилади. Бироқ Ҳамлет телбалик қиёфаси билан вазиятни ўнглаб, қўлга олади. У телба қиёфасида бутун қиролликдаги ноҳақликка қарши қурашади. Трагик қаҳрамон олдидаги куч шуни тақозо қиласи. Биргина сохта телбалик орқали амакиси, онаси ва хизматкорларининг хатти-ҳаракати Ҳамлет томонидан назорат қилинади. Асл ҳақиқатни билиш мақсадида Ҳамлет режиссёрлигига театр ичида театр уюштирилади. “Сичқон қопқон” саҳнаси орқали жиноятчини жиноят устида жазолаш, сарой аҳлини мудхиш ҳақиқатдан хабардор қилиш, аслида ким кимлигини кўрсатиш ниятида уюштирилади. Демак, Искандар ўзининг донишмандлиги, Ҳамлет телбалиги ортидан рақибларини энгиб камолот чўққисига чиқадилар, яъни Искандарнинг донишмандлиги уни жаҳон шохига айлантиrsa, Ҳамлетни телбалиги режиссёрлигига асос бўлади. «Билиб қолиши», дунё сир-синоатини англаш икки асарда ҳам муайян типологик нуқталарни вужудга келтиради.

4. Яна бир икки асарга хос муштараклик ундаги «билиб қолиши» мотивида ойдинлашади. “Садди Искандарий”да кабутарлар жанги “Ҳамлет”да Англия қироллигига йўлланган махфий хат орқали «билиб қолиши» мотивидаги типик вазият кўзга ташланади. Бунда Искандар ва Ҳамлет душманларининг ҳийаллари ва ожиз нуқталарини билиб қоладилар:

Бу фикр ичра ройи хирадпарвари
Ки, бир тош уза ики кабки дари.

Кўрундики, бир-бирга айлаб ситеz,
Урушурлар эрди басе тунд-у тез¹.

Ожиз кабутарга ўзини, кучга тўла кабутарга Дорони менгзаган Искандар тўсатдан, душман шохига таққосланган қуш йиртқич чангалига тушишидан хулоса қиласи:

Ки ногоҳ ҳаводин уқобе иниб,
Қилиб сайд олурға шитобе қилиб.

Улуғроғни сайд этти ул навъ чуст
Ки, гўёким ул худ йўқ эрди нухуст¹.

¹ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To‘la asarlar to‘plami. 8-jild. – T.: - G‘afur G‘ulom. 2013. – B.153.

“Ҳамлет” трагедиясида ҳам тўсатдан, амакиси томонидан қилинган сүиқасдан Ҳамлетнинг хабар топиши ундаги шубҳа ва гумонларга ўрин қолдирмайди, чин душманини танийди. Биргина хат детали орқали сюжет воқеаси шиддат билан ўзга ўзанга бурилади. “Садди Искандарий”да бўлгани каби “Ҳамлет”да ҳам душман қўйган тузоғига ўзи тушади:

Ҳамлет: Ёрлик ёзилмоқда. Икки мактабдош дўстим,
Садоқатда – икки қора илондан баттар,
Махсус мактуб ила равон этурлар йўлим,
Мени тўру тузоқ сари бошлаб борурлар,
Ҳа, майлига. Учирмоқни ўйлаган кимса,
Ажаб эмас, ўзи бирдан ҳавога учса.
Мен қазийман оёқлари остини шундок,
Ки, муқаррар қулатаман, этаман тупрок².

“Садди Искандарий”да Доро ўзининг саркардалари томонидан хиёнаткорона ўлдирилса, “Ҳамлет”да сотқин дўстлар ўзларининг тузоқларига ўзлари илинадилар. Юқоридаги «билиб қолиш»лар “Садди Искандарий”да илохий башорат орқали англанса, “Ҳамлет”да хийланинг ошкор бўлиши билан юзага келади.

Умуман олганда, асарларда «билиб қолиш» мотиви қуйидаги бадиий вазифаларни бажаради:

- 1) асар сюжети чизигида воқеаларни бир-бирига поэтик пайвандлашга хизмат қиласи;
- 2) секинлашган асар воқелигининг шиддатини оширади;
- 3) асар воқеаларини кутилмаган ўзанга бурилишига замин яратади;
- 4) қаҳрамон образини маънан юксалтиришга, унинг руҳиятидаги иккиланишлар йўқолиб, бир тўхтамга келишига ҳамда қабих инсонларнинг қилмишлари фош қилинишига асос бўлади.

5. «Билиб қолиш»нинг энг яхши турларидан бири воқеликни ўзидан англаш ушбу асарларда қаҳрамонлар умрининг поёнидаги муштарак мулоҳазаларда кўзга ташланади. Қаҳрамонларнинг ҳаёт ҳақидаги хуласалари баён қилинади. Уларнинг ҳаётй тажрибалари,

¹ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To‘la asarlar to‘plami. 8-jild. – T.: - G‘afur G‘ulom. 2013. – B.154.

² Shekispir. Hamlet (Jamol Kamol tarjiması). Saylanma. 3-jild. – T.: - Fan. 2007. – B.317.

бошдан кечирғанлари «билиб қолиши» мотивининг юзага келишида асос вазифасини бажаради.

Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳам ул навъким – ришта ёқутдин.

Ки эл солиб ул сори ҳайрат қўзи,
Не ҳайрат қўзи, балки ибрат қўзи.¹

“Садди Искандарий” ва “Ҳамлет”даги бундай «билиб қолиши» моҳиятида асар концепцияси ҳам ўз ифодасини топади. Жаҳон шоҳи, дунё бойликларининг эгаси Искандар умри поёнида қуруқ қўл билан кетиши умумбашарий ўгит сифатида бадиий талқин қилинади. “Искандар Зулқарнайн йўли эса тўртала “Ҳамса”да ҳам деярли “Қуръони карим”да баён этилган харита бўйлаб кечади. Бу йўл эзгулик,adolat ва маърифат йўли ўлароқ, наинки қаҳрамон ва унинг атрофидагилар, балки инсоният саодати учун хизмат қиласи. Искандар тобланган синов йўли ҳам мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, уммонлар, денгизу дарёлар, тоғ ва ўрмонлар оралаб ўтади. Бу йўл қаҳрамонни улкан бир хулосага олиб келади: инсон дунёга бўш қўл билан келиб, шу тахлит уни тарк этади. Мана шу буюк хулоса туғилган, дунё йўли тугаган жойдан қаҳрамоннинг янги ҳаёти ибтидо палласига киради. Искандар Яратган билан қовушади. Унинг интиҳосиз йўли бошланадики, “Ҳамса” достонларининг юонон романидан фарқи ҳам, универсал қамрови ҳам, бадиий концепция, хронотоп поэтикаси нуқтаи назаридан устунлиги ҳам шунда”.² Искандар тарихий образ сифатида Шарқ ва Ғарб адабиётида даврлар оша бирдек бадиий талқин қилиб келинаётганлигини “Ҳамлет” трагедиясида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳамлет: О, нақадар тубанликка тушилар экан, Ҳорацио!

Искандар ҳокининг қисматини то охиригача, то пиво бочкасининг тешигига тиқин бўлгунига қадар бир тасаввур этиб қарагин-а?...

Таҳминан шундоқ: Искандар ўлди, Искандарни қўмишди, Искандар хок бўлди. Хок – бу тупроқ, тупроқдан лой ясадилар. Нега энди ҳалиги лой пиво бочкасини сувашга хизмат этмасин?

Шамоллашдан қазо қилган Қайсари Румдан

¹ Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. To‘la asarlar to‘plami. 8-jild. – Т.: - G‘afur G‘ulom. 2013. – Б.486.

² Жўракулов У. Алишер Навоий “Ҳамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Турон-икбол, 2017. – Б.53.

Лой қоришиб, уй томони сувашар бу дам.
Бир замонлар жаҳон эди пойида тупроқ,
Энди бўлса, бир тешикка ўзи лойсувоқ...¹

Бир тарихий образнинг икки даҳо асарларида келиши бежиз эмас, икки асарда ҳам ҳаёт фалсафаси, умрнинг бевафолиги, тупроқдан яратилган одам тупроққа қайтиши Искандар образи тимсолида бадиий акс эттирилган. Умар Хайём ёзганидек:

Бор эрди қулол дўкони, кирдим бир гал,
Дастгоҳ бошида кўзагар ишларди жадал,
Кўрдимки, гадо илкию шоҳ калласидан
Ул кўзага бежирим бўйин, даста ясар....²

Уильям Шекспир Ҳамлетнинг қабристонга келиши, гўрков билан сухбати, Офелия ўлимидан хабар топишини асар сюжети чизигига киритма воқеа сифатида «билиб қолиш»нинг энг яхши намунаси орқали тасвирлайди. Айни турга мансуб «билиб қолиш» концепцияси икки асарда ҳам инсон умри ва ўлими билан боғлиқ жараёнларда ўз ифодасини топиши типологик маъно касб этади. Айниқса, “Ҳамлет” трагедиясида масқарабоз Ёрик ва Юлий Сезар ҳақидаги мулоҳазалар ҳамда Ҳамлет билан гўрков ўртасидаги мана бундай диалоглар ўзининг Шарқоналиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Ҳамлет: Қайси тақводор эр учун қазияпсан бу лаҳадни?

Гўрков: Эр учунмас.

Ҳамлет: Бўлмаса, қайси аёл учун?

Гўрков: Аёл учун ҳаммас.

Ҳамлет: Бўлмаса, кимга мўлжалланган ўзи?

Гўрков: Аввалига аёл бўлиб, энди тангри раҳматига етишган бир бекага, тақсиrim.³

Кўринадики, “Садди Искандарий” ва “Ҳамлет” асарларидаги муштарак нуқталар нафақат билиш мотиви билан боғлиқ ўринларда балки даҳо ижодкорларнинг дунёқарashi, воқеликни поэтик идроклаш

¹Шекспир В. Ҳамлет (Жамол Камол таржимаси). Сайланма. З-жилд. – Т.: Фан. 2007. – Б.358.

²Хайём У. 333 рубой (Форсчадан Жамол Камол таржимаси) - Т.: Мусика, 2007. – Б.5.

³Шекспир В. Ҳамлет (Жамол Камол таржимаси). Сайланма. З-жилд. – Т.: Фан. 2007. – Б.354.

ва умумбашарий мавзунинг холислик мезонига кўра бадиий талқин қилинишида кўзга ташланади.

Хуллас, “Садди Искандарий” ва “Ҳамлет” асарларидағи типологик нуқталар қуйидагиларда ойдинлашади: 1) ижодкорларнинг Шарқ ва Ғарб адабиётига хос умумбашарий мавзу талқинига мурожаат қилинишида; 2) тарихий-анъанавий сюжет, образ, детал ва мотив сингари поэтик компонентларни истифода этишда; 3) “Садди Искандарий” ва “Ҳамлет” асарларида «билиб қолиш» мотиви сюжет унсурларини поэтик пайвандлаш, воқелар шиддатини ошириш, уларни тамомила бошқа ўзанга ўзгартириш, композицион сатҳда бадиий контрастликни ҳосил қилиш каби бадиий вазифаларни бажаришда; 4) Искандар ва Ҳамлет образларининг улуғвор сафар йўлида «билиб қолиш» мотиви маърифат бекати сифатида ифода этилишида; 5) “Садди Искандарий” достони ва “Ҳамлет” трагедиясида қаҳрамонларнинг ҳаёт ҳақиқати, ўлим ҳикмати, дунё фароғати, охират саодати ҳамда яратган маърифатини англашида «билиб қолиш» мотиви поэтик очқич функциясини ўташида кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. – Т.:Faafur Gulom, 2013.
2. Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
3. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Faafur Gulom, 2015.
4. Жўракулов У. Алишер Навоий “Ҳамса”сида хронотоп поэтикаси.– Т.: Turon-икбол, 2017.
5. Шекспир В. Ҳамлет (Жамол Камол таржимаси). Сайланма. 3-жилд. – Т.: Фан. 2007.
6. Мели С. Сўзу сўз. – Т.: Шарқ. 2016.
7. Ҳайём У. 333 рубоий (Форсчадан Жамол Камол таржимаси). – Т.: Мусика, 2007.

<i>Abduhamid Xolmurodov.</i> HOZIRGI ADABIY JARAYONDA IJODIY MUSHTARAKLIK	158
<i>Olim Oltinbek.</i> RAUF PARFINING SHEKSPIRONA SONETLARI.....	165
<i>Sanobar To'laganova.</i> SHARQNING OLTIN KO'PRIGI	173
<i>Nasiba Bozorova.</i> QONUN AXLOQQA ZID BO'LSA.....	180
<i>Adiba Davlatova.</i> ADABIY IZDOSHLIK AN'ANASI VA YANGILANISH EHTIYOJI.....	193
<i>Gulchehra Imomova.</i> SHARQ ADABIYOTIDA AN'ANAVIYLIK VA OBRAZ SATHIDAGI BADIY SINTEZ	199
<i>Ramilə Süleymanova.</i> NİZAMİ GƏNCƏVİ POYEMALARINDA HUMANİZM FƏLSƏFƏSİ.....	207
<i>Yulduz Ziyayeva.</i> NAVOIY VA SHEKSPİR: "OSHIQ-MA'SHUQA-RAQIB" UCHLIGI	211

2-SHO'BA. NAVOIY VA SHEKSPİR: POETIK O'ZIGA XOSLIK, IJODIY UNIVERSALLIK

<i>Umida Rasulova.</i> QUR'ONIY QISSALAR HIKMATI	218
<i>Komiljon Hamroyev.</i> "SADDI ISKANDARIY" VA "HAMLET" DA "BILIB QOLISH" MOTIVI	225
<i>Zilola Shukurova, Chinara Akmataliyeva.</i> PEHECCANSНЫЙ РЕАЛИЗМ В ЭПИЧЕСКОМ СТИЛЕ АЛИШЕРА НАВОИ	238
<i>Alisher Razzoqov.</i> ALISHER NAVOIY G'AZALIYOTIDA "BUT" RAMZINING TASAVVUFİY TALQINLARI.....	246
<i>Murodil Mirzayev, Obidjon Karimov.</i> "SHARQ VA G'ARB ADABIYOTSHUNOSLIGI TARIXIDA POETIKA MASALASI TALQINI....	255
<i>Nigoraxon O'rmonova.</i> ALISHER NAVOIY ASARLARINING G'ARB TILLARIGA TARJIMALARI TARIXIDAN	261
<i>Bahor To'rayeva.</i> «ASRNI QARITGAN KUN» – SHEKSPİR TRAGEDIYASIDAN BIR MISRA	265
<i>Suhrob Avezov.</i> FARHOD VA HAMLET OBRAZLARINING QIYOSIY TADQIQI	270
<i>Gulbahor Nazarova.</i> NAVOIY VA SHEKSPİR IJODIDA PARI OBRAZI TALQINI	276
<i>Xolida Qodirova.</i> SHEKSPİR SONETLARIDA BADIY VAQT TALQINI	282
<i>Xurshid Serobov.</i> ADABIY ASARLARDA ALISHER NAVOIY SIYMOSINI AKS ETTIRISH MASALALARI.....	288

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишига 2022 йил 19 июнда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/8 . Офсет коғози.

Офсет босма усулида босилди. Times New Roman гарнитураси.
Шартли босма табоқ 43,5. Адади 500 нусха.

Оригинал макет “FIRDAVS-SHOH NASHRIYOTI”да тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий, 30.тел.: +98990-372-85-17